

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ ВА ЖОЗИБАДОР ИМТИЁЗЛАР

ТАДБИРКОРЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ



Жамиятда тадбиркорлар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча жадал бораверади. Қаердаки тадбиркорлик учун қулай муҳит, зарур шароит яратилса, бизнес вакили ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, эркин ва самарали фаолият юритишига кўмаклашилса, ўша ерда халқ фаровонлиги ошиб, барча соҳаларда ўсиш кузатилади.

Масалага шу нутқни назардан ёндашилса, ушбу йўналишни ривожлантиришнинг бугунги кундаги аҳамияти ва заруратини англаш қийин эмас. Бу борада янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар ҳам мутлақо янги. Сўнгги йилларда тадбиркор давлатнинг ишончли ҳамкори, давлат эса ҳар бир бизнес

вакилининг яқин дўстига, ҳа, айнан дўстига айланди. Буни уларга берилаётган кенг имкониятлар, катта имтиёзлар мисолида ҳам кўрялмиз. 2017-2022 йиллар бўйича оладиган бўлсак, бу вақт давомида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда тизим вакиллари ҳуқуқларини

ҳимоя қилишга доир 3 мингдан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинганини айтиш керак. Асосийси, булар фақат қозғола қолдиган қарорлар бўлмади, бевосита ҳаётга кўчиб, қисқа фурсатда амалий натижалар ҳам бера бошлади.

▶ Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ I МИЛЛИЙ МАЪРУЗАСИ

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 27 июндаги қарори билан тасдиқланган 2022-2023 йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурида жорий йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистонда миллий журналистиканинг ривожланиши бўйича Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг миллий маърузасини тайёрлаш ва эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш белгиланган.

Бундай тартибнинг жорий этилиши юртимизда медиа соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган ишларга назар ташлаш, таҳлил қилиш, эришилган ютуқларни эътироф этиш, қолаверса, миллий журналистикада юзага келган муаммо ва камчиликлар хусусида кенг омма ва журналистлар жамоатчилигига ахборот бериш, ушбу масалаларга биргаликда ечим излаш имкониятларини яратади. Шунинг баробарида, миллий журналистиканинг ҳар жиҳатдан ривожланишига туртки беради, деб ҳисоблаймиз.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу маъруза Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси билан ҳамкорликда, шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви аъзолари ва ҳудудий бўлимлари раҳбарлари, уюшма хузурида фаолият юритаётган ижодий кенгашлар масъуллари, соҳа экспертлари, бир сўз билан айтганда, кенг журналистлар жамоатчилиги тақдир ва тавсиялари асосида тайёрланди.

Соҳага оид ислохотлар самараси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари лавозимига киришган дастлабки кунлардан бошлаб матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини

такомиллаштириш, соҳа вакиллари ни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доимий равишда алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бир мисол, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10 августдаги "Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори уюшма фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳужжат ижроси доирасида беш-олти нафар ходим ишлайдиган уюшма марказий аппаратида 23 та штат бирлиги, ташкилотимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари ташкил этилди. Уюшманинг жамоатчилик асосида фаолият юритган ҳудудий бўлимлари раис ва ходимларига учта штат бирлигида ойлик маош белгиланди. Уюшма ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ҳар йили мамлакатимиздаги фахрий журналистлардан 100-200 нафарини "Хуррият" газетасига уюшма ҳисобидан обуна қилиш йўлга қўйилди.

Уюшмага аъзоларни қабул қилиш тикланди, янги намунадаги аъзолик гувоҳномаси, илгари бўлмаган аъзолик кўкрак нишони тайёрланди.

2017-2022 йиллар мобайнида 600 га яқин фахрий ва эътиҳаманд журналистга моддий ёрдам кўрсатилди. Қўмакка муҳтож бемор журналистлар саломатлигини тиклашга маблағ йўналтирилди. "Ёш юраклар садоси" серияси остида 100 дан зиёд ёш журналистнинг энг



сара мақолалари жамланган **ИККИТА** тўплам-китоб нашр этилди.

Бугунги кунда ҳам мазкур йўналишдаги ишлар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси тўғрисида журналистикага оид ислохотлар ортага қайтмас тус олди. Буни нафақат соҳамиз, балки кенг жамоатчилик вакиллари, халқаро экспертлар ҳам алоҳида эътироф этиб келаётди.

Кейинги йилларда соҳада изчил амалга оширилган ислохотлар, очиклик сиёсати оммавий ахборот воситалари ходимларини руҳлантирди. Уларнинг фаоллашишига туртки берди, истаган мавзу бўйича материаллар тайёрлаш имкончилигига, бунга ҳеч қандай тўсиқ йўқлигига ишончи ошди. Айни пайтда журналист ва блогерлар томонидан жойларда юзага келган муаммолар кўркамасдан дадил кўтариб чиқилиб, ижтимоий тармоқларда ҳам эълон қилиш кенг оммалашди. Энг муҳими, танқидий-таҳлилий чиқишлар, билдирилаётган тақлифлар, фикр-мулоҳазалардан сўнг қўллаб масалаларга ечим топилиб, муаммолар ижобий ҳал этилмоқда, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилмоқда. Ваҳоланки, илгари бундай ҳолатлар камдан-кам кузатилади эди.

▶ Давоми 3-бетда

НИГОХ

ХОНАДОНЛАР ФАРОВОН, КЎНГИЛЛАР ЧАРОҒОН



Бугун Навоий вилоятининг барча шаҳари кўрғонлари, қишлоғу овуллари янгиланишларга юз тутмоқда. Вилоятда аҳоли масканлари ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг нечоғлиқ кенг қўламли экани рақамларда ҳам акс этмоқда. Жумладан, вилоятда жорий йил тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1514 та хонадонга мўлжаллаб барпо этиладиган уй-жойлар аҳоли эҳтиёжи учун фойдаланишга топширилади.

Қурилиш ва коммунал соҳаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш орқали аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, муносиб ҳаёт тарзини яратиб беришга қаратилган ислохотлар боис, халқимиз бугунги кундан мамнун, ўз уй-

жойига, замонавий турмуш шароитларига эга бўлмоқда, хонадонларга фаровонлик, ободлик кириб бормоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ

КОНСТИТУЦИЯ, МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА МАЪНАВИЯТ: ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЈАЛАР ЗАРУРАТИ



Мафқуравий жиҳатдан ўта таҳликали замонда яшаймиз. Шунинг учун ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, шу асосда уни соғломлаштириш, замон ва макон ўртага қўяётган қўллаб қалти саволларга холис жавоблар топиш, уни халқ онг-тафаккури ва қалбига етказиш ҳамisha жамиятнинг муҳимдан-муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

Миллий мафкура ва маънавият ўз-ўзидан адо этиб кетилаверадиган вазифа эмас. Ҳар қандай мамлакат тарақиётига эришиш, халқ тинчлигини сақлаш, турли ижтимоий қатлам, диний конфессиялар, миллат ва элат, жинслар ўртасида тенглик сиёсатини юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга риоя қилиш, халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонишни таъминлаш учун ҳамisha мустаҳкам, ҳар тарафлама такомиллашган, янги замон талабларига тўла жавоб берадиган мукамал тизим яратилиши ва жамиятда миллий мафкура ҳамда маънавият тарғиботи технологияси фаол ишлаб турмоғи зарур.

▶ Давоми 6-бетда





ОБОД МАНЗИЛЛАР

машинани маза қилиб миниб юриб-миз. Албатта, биргина помидорнинг орқасидан бир йилда машина сотиб олганимизга кўпчилиги ишонмаслиги аниқ. Лекин меҳнат қилса, барчасига эришиш мумкин. Масалан, эрта баҳордан пилла қурти боқдик. Унинг пулига икки бош қорамол сотиб олдик. Помидор кўчатлари ўтқазилгач, далада полиз орасидан чиққан бегона ўтлар билан чорвани боқишни бошладик. Унга емиш даламизнинг ўзидан чиқди. Ҳосил йиғиштириб олингандан кейин ўрнига арпа эдик. Йил якунига келиб, жами олган даромадимиз битта машинага етди. Насиб этса, жорий йилда янада кўпроқ маблағ ишлаб топамиз деган ниятдамыз.

Бундай имкониятдан фойдаланиб, ўзини ўзи банд қилган биргина Соҳиба опа эмас. Маҳалланинг кўпгина хотин-қизлари деҳқон хўжалиги ташкил этиб, ҳам рўзгорни, ҳам бозорни обод қилмоқда.

Маҳалла хотин-қизлар фаоли Шаҳло Баҳриддинованинг таъкидлашича, ўтган йили "Аёллар дафтари"га киритилган саккиз аёлнинг барчасига ер майдони ажратилиб, дафтардан чиқарилган. Бугун улар қишлоқнинг энг фаол аёллари қаторида фаровон турмуш кечирмоқда. Ҳозир "Аёллар дафтари" бўш. Бу эса аҳолининг турмуш даражаси яхшиланганидан далolat беради.

сўмдан ортиқ соф даромад қилдим. Бу йил ҳам яхши бўлади, деган умиддамыз. Ҳозирданок харидорлар буюртма қилишни бошлади. Узоғи билан яна ўн беш-ийгирма кундан сўнг теришни бошлаб, сотувага чиқарамиз. Шунча йилдан бери бекор вақт сарфлаб юрган эканмиз. Меҳнат қилса, барчасига эришиш мумкин экан. Ҳозир шунинг ортидан уй-жойларимизни таъмирлаб олдик, тўй қилишга ҳозирлик кўряпмиз. Умуман, яшаш тарзимиз ўзгарди.

Бугун Бердиоли маҳалласида беш мингдан зиёд аҳоли яшайди. Маълумотларга қара, ўтган йили бу ерда 152 нафар ишсиз бор эди, бугун улар сафи анчагина камайган.

Шаҳарга айланаётган қишлоқ

Яхши ният — ярим давлат. Бердиоли қишлоғи одамлари яшаш тарзи яхшиланиб, кўнгилири обод бўлавергач, орузлари ҳам яхши томонга ўзгарди. Айниқса, қишлоқнинг йиллар давомида қаровсиз қолган йўли асфальт қилинган кўпчилиги кўнглириди. Бундан ташқари, 100 ўринли мактабга таълим, 300 ўринли умумтаълим мактаби биноси ҳамда шинам ва замонавий кўришилган маҳалла гузари яқин кунларда тўлиқ қуриб битказилади.

Барча қулайликларга эга боғча биноси қурилиши деярли якунига етказилиб, ташқи ва ички пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Барча объектлар "Озод ибрат капитал" қурилиш корхонаси томонидан барпо этиляпти.

Учта объектнинг қурилиши бир вақтда бошланган, — дейди "Озод ибрат капитал" қурилиш корхонаси иш юритувчиси Рустам Ашуров. — Ҳозир уларда жами 120 ишчи меҳнат қиляпти. Боғча ва мактаб биналаридаги шароитлар жуда замонавий бўлади. Узоғи хос кўринишга эга маҳалла гузари эса ҳадемай қишлоққа ўзгача кўрк бахш этиши аниқ. Бинода маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси учун алоҳида хоналар бор. Ён томонида яна қўшимча тўртта алоҳида хона қад ростлаган. Бу хоналар тадбиркорлик қилувчилар учун ажратилади. Бу ерда қандолатчилик ва тикувчилик каби йўналишларда иш бошлаш мумкин.

Ҳикоя қиладиганимиз биргина маҳалладаги ўзгаришлар, албатта, юртимиздаги илҳомдорларнинг бир кўриниши. Бугун маҳаллада бекор ўтирган кишига кўзингиз тушмайди. Кимдир далада, яна биров томорқасида ўз иши билан банд. Асосийси, кўнгилири шод, меҳнат ортидан ҳар бир хонадонга фойз кириб бораётган бўлса, маҳалланинг кўриниши ҳам шунга яраша чирой очмоқда.

Маҳалламизда иккита қишлоқ бор, — дейди "Бердиоли" МФЙ раиси Берди Шукроров. — Мана шу қишлоқимиз ўртасидан ўтган битта йўлдан тўрт-бешта қишлоқ аҳолиси фойдаланади. Лекин тўғриси айтганда, бир неча йиллардан бери шуни таъмирлаш армон бўлиб келаётганиди. Шунчалик эътибор қаратиб, йўлларимизни раван қилиб беришди. Йўл қурувчилар келиб, ишни бошлагач, йўлнинг фақатгина Бердиоли қишлоғи ҳудудига қарашли қисми асфальт қилинишини айтишди. Шунда оқсоқоллар билан бирга қўшни қишлоқларга туташ жойларни ҳам асфальт қилиб берсангиз, дея илтимос қилдик. Катта раҳмат, йўқ дейишмади. Шу сабаб ён-атрофдаги қишлоқларимиз ҳам обод бўлиб қолди. Жами 14 километр асфальт ётқизилди. Бошқа янги қурилишларни айтмасангиз ҳам бўлади. Хуллас, бизда барчаси зўр. Маҳалламиз ҳам, одамларимизнинг кўнгли ҳам обод бўлмоқда.

Юқорида гувоҳи бўлганингиздек, илҳомдор натижасида одамларнинг азалий орузлари ушалаб, манзиллар ободлик ва кўркамликка юз тутмоқда. Бундай мисолларни юртимизнинг ҳар бир манзилида учратишингиз аниқ.

Акбар РАҲМОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

АЗАЛИЙ ОРЗУЛАР УШАЛГАНДА ҲУДУДЛАР КЎРКАМЛИККА ЮЗ ТУТАДИ

“ БУГУН БЕРДИОЛИ МАҲАЛЛАСИДА БЕШ МИНГДАН ЗИЁД АҲОЛИ ЯШАЙДИ. МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, ЎТГАН ЙИЛИ БУ ЕРДА 152 НАФАР ИШСИЗ БОР ЭДИ, БУГУН УЛАР САФИ АНЧАГИНА КАМАЙГАН. БУ ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ ҲАР БИР ҚАРИЧ ЕРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИ БИЛАДИ. КИЧИК ТОМОРҚАСИГА КАРТОШКА, САБЗИ, ПОМИДОР ЭКИБ, ЯХШИГИНА САРМОЯ ИШЛАБ ТОПАЁТГАНЛАР КЎП.

Адашмасам, бундан тўрт-беш йил олдин аҳоли турмуш даражаси, яшаш шароитини ўрганувчи республика ишчи гуруҳи билан вилоятнинг айрим туманларидаги маҳаллаларда бўлган. Сир эмас, ўшанда айрим қишлоқ ёки маҳалла гузарларида бекорчиликдан давра қуриб ўтирган одамларни кўп учратгандик. Сўхбат жараёнида уларда боқимандалик кайфияти борлигини сезиш қийин эмасди. Аслида, кунини самарасиз ўтказётганини англамаган аксар одамлар фақат нолишдан нарига ўтмаганди.

Бугун ўша ҳолатнинг умуман тескариси, десам муволафа бўлмас керак. Бу гапга заррача шубҳаси бор киши бемалол воҳа бўйлаб саёҳатга чиқса, бунга амин бўлиши аниқ. Биз сўз юритмоқчи бўлган манзил эса бунга ёрқин мисолдир.

Қамашидаги "Бердиоли" маҳалла фуқаролар йиғини туманнинг олис манзилларидан бири. Бундан икки-уч йил олдин бу ҳудудга харобаси чиққан йўллардан юриб борган кишининг кўнгли хуноб бўлиб, ортига қайтиб кетиши аниқ эди. Бугун нафақат йўл, балки бутун маҳалла обод манзилга айланмоқда. Аҳолининг бандлиги таъминланиб, турмуш фаровонлиги ортмоқда.

"Бир йилда машина олдик"

Ўтган йили маҳаллада бандликни таъминлаш мақсадида каттагина та-

шаббусга қўл урилди. Ҳудуддаги сувли, унумдор ердан ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турувчиларга аукцион орқали 30 сотихдан ер берилди. Бунинг ортидан бир йилда автомашина пулини ишлаб топганлар ҳам бўлди.

— Турмуш ўртоғим Лобар Обилова маҳаллада "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турарди, ўзим ҳам ишсиз эдим, — дейди Даврон Бердиев. — Шу сабабли ўтган йили деҳқончилик билан шуғулланиш учун 30 сотих ер беришди. Болалигимиздан деҳқончилик билан шуғулланиб келамиз. Шу боис, аукцион орқали олган майдонга помидор эдик. Астойдил меҳнат қилдик. Натижа ёмон бўлмади. Ўтган йили полиз маҳсулотлари нархи ҳам юқори бўлганидан катта даромад олишга эришдик. Бунинг эвазига анча йилдан бери орзу қилиб юрган "Gentra" автомашинасини харид қилдик. Ҳозир

"Аёллар дафтари" бўш қолди

Соҳиба Суянова "Аёллар дафтари"га рўйхатга қўйилганда шунчаки расмиятчилик деб ўйлаганди. Кейин кўпчилик қатори унумдор ердан унга ҳам 30 сотих ер берилишини эшитганида, қўлоқларига ишонмади.

— Ростини, "Аёллар дафтари"га рўйхатга қўйишга ўтганда, бунинг менга нима нафи бор экан, дегандим, — дейди С.Суянова. — Шунчаки, ўзлари учун бўлса керак, дея эътибор қилмагандим. Бугун эса бунинг ортидан барқарор даромад манбаига эга бўлдим. Ер беришганидан сўнг кўнглим кўтарилиб, юртимизда ҳеч ким эътибордан четда эмаслигини англадим. Бор кучимни ерга сарфладим, тер тўқдим. Ҳозир ҳам даладамыз. Киши ўз меҳнати маҳсулини кўрса, ундан фойдаланса, рўзгорини обод қилса, бундан ортиқ бахт бўлмас керак. Яхши яшашимиз учун, аввало, ўзимиз иштишимиз керак. Олма пиш, оғзимга туш, деган билан иш битмайди. Ўзим гувоҳи бўлиб турибман, айнан шу далада кетмон кўтариб ишлаган кишилар тўй қилмоқда, машина олмақда, фарзандларини олийгоҳларда ўқитмоқда.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Яшаш тарзимиз ўзгарди"

Элёр Қурбонов 35 ёшда. Бердиоли қишлоғида иш йўқлиги боис, ҳар хил юмушлар билан шуғулланиб юрарди. Лекин тайин иш бўлмагани учун топиш-тутишида барака бўлмасди. Бир амаллаб топгани рўзгоридан ортмасди. Деҳқон хўжалиги учун ер ажратилишини эшитиб, маҳаллага мурожаат қилди. Тегишли тартибда ҳужжатларини расмийлаштириб, аукцион орқали кўпчилик қатори 30 сотих ер олганида ундан бахтиёр одам йўқ эди. Қўлига кетмон олиб, бор меҳрини ерга берди. Тинмай меҳнат қилди. Натижаси эса чакки бўлмади.

— Ўтган йили помидор экандим, — дейди Э.Қурбонов. — Маҳсулот пишиб етилгач, харидор ҳам излаб юрмадик. Ўзлари шу ердан олиб кетди. Ҳисобимга кўра, харажатларимдан ташқари эллик миллион

Бу қишлоқ одамлари ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишни яхши билади. Кичик томорқасига картошка, сабзи, помидор экиб, яхшигина сармоя ишлаб топаётганлар кўп.

— Одамларимиз деҳқончилик қилишнинг ҳадисини олган, — дейди Бердиоли маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Илҳом Жонтемиров. — Шу сабаб бугун ажратилган ер майдонига нима экиш, қандай агротехник воситаларни ишлатишда муаммо бўлмади. Ҳозир олтимиш икки киши шу жойдан ер олган. Лекин барчаси бир ёқадан бош чиқариб, доимий ҳамкорликда ишламоқда. Мунтазам ҳашар уюштиришади. Ёрдам ва маслаҳатини бир-бирдан аямайди. Дастлабки йилдан ўзлари биргаликда кудуқ қаздириб олди, сугорилишда умуман муаммо йўқ. Демак, лойиҳаларимиз натижа бериб, одамларнинг розилиги ортапти. Асосий мақсад ҳам шу.

НИГОХ

ХОНАДОНЛАР ФАРОВОН, КЎНГИЛЛАР ЧАРОҒОН

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, қурилиш ишлари янги ҳаётнинг аҳолига қатор қўшимча қулайликлар яратилишида муҳим омили бўлмоқда. Юртимиз бўйлаб янги ҳаётнинг асосида уй-жойлар қурилишига киришилгани аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини қаноатлантириш билан бирга, қишлоқларда ҳам шаҳардагидек шароитлар яратиш имконини бермоқда. Уйлар билан бирга муҳандислик ва йўл инфратузилмаси, ижтимоий соҳа объектлари, хизмат ва сервис объектлари ҳам қурилмоқда.

Ҳозир вилоятнинг Кармана ва Қизилтепа туманларидаги "Янги Ўзбекистон" массивларида 620 хонадонли 26 та уй-жой, 1 та мактаб, 2 та мактабгача таълим ташкилоти, 2 та оилавий поликлиника ва уй-жойларнинг биринчи қаватида турил хизмат кўрсатиш ва сервис объектлари барпо этилиши қўрилмоқда. Ушбу хонадонлар субсидия асосида берилётганидан халқимиз мамнун.

Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш масаласи алоҳида эътиборда. Жумладан, жорий йилда тоза



ичимлик сув таъминоти яхшилаш мақсадида давлат дастурлари ва бошқа манбалар ҳисобидан жами 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўнал-

тирилиши белгиланган. 801,8 километр узунликдаги ичимлик сув қувури тортиш ҳамда 15 та сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 430,3 километрдан ортиқ янги ичимлик сув қувури тортилиб, 14 километрга яқини таъмирланди. Шунингдек, 15 та сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари баҳарилмоқда.

Бундан ташқари, йил якунига қадар 371,5 километр янги ичимлик сув қувури тортилиб, 15 та сув иншоотидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилади. Натижада 48 та маҳалладаги 56,3 мингдан ортиқ аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан

таъминланади, 29 та маҳалладаги 74,4 минг аҳолининг ичимлик сув таъминоти янада яхшиланади. Бу ишлар якунлангач, аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси жорий 76 фоиздан 81,5 фоизга етказилади.

Хатирчи туманидаги Чечак ота маҳалласида ҳам аҳолини узоқ йиллар қийнаб келган ичимлик сув муаммоси барҳам топди. Обиҳаёт бугун фуқаролар хонадонига кириб борди.

— Маҳалламизда ҳар томонлама ўзгаришлар, ободлик киши кўзини қувонтиради. Йўлларимиз таъмирланди, янги биналар қад кўтарди. Айниқса, ичимлик сув неча йиллик муаммоси эди. Маҳалламиз шу масалада жуда қиналарди. Ҳозир эса тоза ичимлик сув хонадонимизгача олиб кириб берилди. Инсон қадри деганлари шу эмасми? Маҳалладошларимиз қувончини таърифлашга тилим ожиз. Ҳозир маҳалламизда айтарли муаммо йўқ. Таълим масканлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари — барчаси ишлаб турибди. Яшаш учун барча шароит бор, — дейди Чечак ота маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Эшпўлат Жумаев.

"Йўл қурган элда азиз", деган ҳикоят бор. Бугун ана шундай азиз инсонлар — йўлсозларнинг тинимсиз меҳнати эвазига вилоятда йўллар қадар раван, манзиллар яқин бўлмоқда. Ҳудудларда маҳаллий ва ички йўлларни таъмирлаш бўйича кенг қўллаб ишлар амалга оширилмоқда.

2023 йилнинг ўтган даврида вилоятда барча дастурлар доирасида йўл таъмири учун 248 миллиард сўм ажратилди ҳамда 568,4 километр автомобиль



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

йўли, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кучалари таъмирланди. Шундан 314 километрини асфальт, 29 километрини цемент-бетон ва 225,4 километрини шағал йўллар ташкил этади.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар, сектор раҳбарлари, шаҳар, туман Халқ қабулхоналари ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида тегишли корхоналарнинг махсус техника воситалари жалб этилган ҳолда ҳашар йўли билан дастурларда кўзда тутилмаган 40 дан ортиқ маҳалла ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги 105 километр тупроқ йўлга шаклланди. Жорий йил якунига қадар 211 миллиард сўм ҳисобига яна 213 километр автомобиль йўлида реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Аҳолини электр энергияси билан узлуқсиз таъминлаш масаласи ҳам доимо эътиборда. Жумладан, жорий йилда 1399,7 километр электр узатиш тармоғи, 8 та подстанция, 365 та трансформатор пунктида мукамал ҳамда 3229,6 километр электр узатиш тармоғи, 62 та подстанция, 909 та трансформатор пунктида жорий таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

— Шу кунгача 980,2 километр электр узатиш тармоғи ва 255 та трансформатор пункти мукамал ҳамда 1274,6 километр электр узатиш тармоғи, 351 та трансформатор пункти жорий таъмирланди. Йил якунига қадар яна 419,5 километр электр узатиш тармоғи, 110 та трансформатор пункти ва 8 та подстанция мукамал ҳамда 1955 километр электр узатиш тармоғи, 558 та трансформатор пункти, 62 та подстанцияда шундай ишлар бажарилади. Натижада 178 та маҳалладаги 22,5 минг хонадон ҳамда 3,5 мингдан ортиқ улгуржи истеъмолчининг электр таъминоти янада яхшиланади, — дейди "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти Навоий ҳудудий филиали директори Бобур Исмолов.

Бундай эзгу ишлар мамлакатимиз чиройига чирой қўшиш билан бирга юрtdошларимизнинг кайфияти, турмуш даражаси, дунёқарашини ўзгартириб, бугунги ҳаётдан розилик, эртанги кунга муштаҳам ишончини янада кучайтирмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ТАРАКҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ ВА ЖОЗИБАДОР ИМТИЁЗЛАР

тадбиркорлар сафини кенгайтиришда муҳим омил



Улуғбек ХОЛБЕКОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистранти

Бошланиши 1-бетда

Хўш, юртдошларимизни тадбиркорликка, таъбир жоиз бўлса, бизнесга қўл уришга ўндаётган куч нимада? Жамиятимизда ишбилармонлик муҳитининг ортиб, одамлар орасида бу йўналишга иштиёқ кучайиб бораётгани қандай омилларга боғлиқ? Албатта, тадбиркорлик қўлай муҳит бўлган жойдагина ривожланади. Янги Ўзбекистонда ана шу муҳитнинг шаклланиш босқичлари қандай кечганига назар ташласан, вазият яққолроқ кўзга ташланади.

Ислоҳ қилиш осон бўлмади

Аввало, тадбиркорлик соҳасидаги текширувларга тўхталсак. Бунинг азобию ортиқча оворагарчиликларини йиллар давомида босқиндан ўтказган одамлар яхши билади. Ҳўда-беҳўда текширувлар ва уларнинг аксарият ҳоллардаги салбий оқибатлари сабаб Ўзбекистонда одамлар тадбиркорлик қилишга ҳайиқиб қолгани, оёққа солинадиган бу тўшов туйфайли қўл ишбилармонлар банкротликка учрагани ва бошқалар ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Шунчаки, йиллар давомида сакланиб келган бу тизимни ислоҳ қилиш осон бўлмади, аммо ташланган қадам қатъий эди. Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари, хусусан, жиноят ишлари доирасидаги мўқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинганини эслаш мумкин. Тадбиркорлар фаолиятидаги текширувлар ўтказишга мораторий жорий этилгани бизнес вакилларининг кўнглидаги иш бўлгани рости. Ислохлар шу билан тўхтаб қолмади, аксинча, бу катта йўлнинг бошланиши эди. Чунки, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган режалар ва назорат тар-

тибдаги текширувлар бекор қилиниб, уларнинг фаолиятида қонун бузилиши ҳақидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда "хавфни тахлил этиш" тизими асосида текширувларни ўтказиш тартиби белгиланди. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 16 та назорат функцияси бекор қилинди. Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари ҳам тубдан такомиллаштирилди. Давлат хизматлари кўрсатишнинг умумий муддати 787 кундан 471 кунгача қисқартирилиб, тадбиркорлик соҳасида лицензия ва рухсат беришга оид 132 та тартиб-таомил бекор қилинди. Давлат идоралари томонидан фуқаро ва тадбиркорлардан жами 73 та ҳужжат ҳамда маълумотномани талаб қилиш амалиётидан ҳам воз кечилди.

2017 йилда ҳар бир туман (шаҳар) да давлат хизматлари марказларининг ташкил этилиши ҳам ана шу ислохларнинг илк кўринишларидан. Бугунги кунда 750 дан ортиқ давлат хизматларидан 172 таси марказлар, 308 таси Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда "Лицензия" ахборот тизими орқали интерактив шаклда кўрсатилмоқда. Ҳозирга қадар 207 та марказ ҳамда уларнинг 141 та филиали орқали жисмоний ва юридик шахсларга 32 миллиондан ортиқ хизмат кўрсатилди. Бу борада доимий ўзгаришлар, янгиланишлар олиб бориляпти. Хусусан, 17 та давлат хизматини композит тарзда кўрсатиш йўлга қўйилди, 200 дан ортиқ тартиб-таомил қайта қўриб чиқилиб, соддалаштирилди.

Яна бир янгилик: лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, амалиётда учраб келаётган кундулик муаммолар ва коррупциявий омилларни бартафоз этишга қаратилган "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ҳужжатнинг асосий қоидаларига кўра, 50 та лицензия, 124 та рухсат бериш ҳужжатлари ҳамда 34 та хабарноманинг якуний рўйхати тасдиқланган. Шу сабабли, мазкур қонунда назарда тутилмаган янги тартиб-таомил турларини жорий этиш бекор қилинди. Илк бор ваколатли органи хабардор этиш орқали фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ мутлақо янги механизм жорий этилди.

Яна бир янгилик: лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, амалиётда учраб келаётган кундулик муаммолар ва коррупциявий омилларни бартафоз этишга қаратилган "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ҳужжатнинг асосий қоидаларига кўра, 50 та лицензия, 124 та рухсат бериш ҳужжатлари ҳамда 34 та хабарноманинг якуний рўйхати тасдиқланган. Шу сабабли, мазкур қонунда назарда тутилмаган янги тартиб-таомил турларини жорий этиш бекор қилинди. Илк бор ваколатли органи хабардор этиш орқали фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ мутлақо янги механизм жорий этилди.

Қийин вақтда керакли кўмак

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилгани ҳам айтиш мумкин. Бу ҳориджа мўқобили бўлмаган "Маҳаллабай ишлаш" тизимининг бир қисми дейиш мумкин. Яъни аҳолининг тадбиркорлик бўйича ташаббуслари маҳалланинг ўзида шакллантирилиб, мана шу жамғарманинг моддий кўмағида амалга оширилади. Бугунги кунда жамғарма томонидан кичик

тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига тижорат банкларининг миллий валютада ажратилган, умумий қиймати 5 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 баробаридан ошмаган кредит ва лизинглари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун 3 йил муддатгача компенсация тақдим этилмоқда. Қолаверса, бундай кредитларга қафиллик берилляпти.

Сир эмас, коронавирус пандемияси манаман деган давлатлар иқтисодиётини ҳам танг ахлолга солиб қўйди ва бундан Ўзбекистон ҳам четда қолмади. Аммо пандемияга қарамай, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига шундай имкониятлар яратиб берилдики, бундан



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

фойдаланган ишбилармон ҳам, халқимиз ҳам, давлат ҳам ютказмади. Барча соҳалар, хусусан, туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқима-чилик саноати каби тармоқларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Андиқроқ айтилган бўлса, туристик (мехмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш, ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қардорлик учун ҳужжалик юришувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилди. Тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловларга кечиктириш тақдим этилиб, муддати ўтиб кетган кредитларга гаров таъминоти бўйича жарима санкциялари ва ундирув чоралари қўлланилмади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари, умумий оқватланиш корхоналари, йўловчи ташуш, маший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар мол-мулк ва ер солигини тўлашдан озод қилинди. Микрофирма ва кичик корхоналарга ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача камайтирилиб, туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилди.



435 нафар шахснинг тадбиркорлик фаолияти тикланди. Мураккаб даврларда тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари кучайтирилиб, уларга 86 триллион сўм кредит, 33 триллион сўмлик имтиёз ва бошқа турдаги кўмаклар кўрсатилди. Мазкур чоралар натижасида пандемиядан зарар кўрган 100 мингдан зиёд корхона ўз фаолиятини тиклаб олди.

Шунингдек, тадбиркорларни ер майдони билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Тан олиб айтиш керак, бу муаммо узоқ йиллардан бунён уларнинг тинқасини қуритган бошқорилардан бири эди. Унинг ечим сифатида 2018 йилдан бошлаб тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини электрон аукцион орқали сотиб олиш тартиби жорий қилинди, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фақат маълум ҳолатларда тўғридан-тўғри ер ажратилиш ваколати қолдирилган.

2022 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари ўзига ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлди. Уларда эндиликда ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини электрон аукцион орқали сотиб олиш имконияти ҳам бор. Буларнинг барчаси соҳада очиклик ва шаффоқлигини таъминлаш билан бирга, эркин ва соғлом рақобат муҳитини яратиб бермоқда.

Имтиёзлар барча учун

Ана энди натижалар ҳақида тўхталсак. Очиги, тадбиркорларга охириги йилларда берилётган имтиёзлар мамлакатимиз тарихида кузатилмаган. Оддий инсонларнинг тадбиркорлик орқали ўзини ўзи банд қилиши ҳам авваллари доимо қўллаб-қувватланмаётганининг ёркин ифодасидир. Ишбилармон доира вакиллари ҳам шунга мос тарзда ҳаракат қилмоқда, иқтисодиётимизнинг ҳақиқий таянчига айланишга интиломоқда.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

БУГУНИДАН РОЗИ ОДАМЛАР

Обод манзиллар сари

Манзили сари ошиққан пиёда ёки ҳайдовчиларга қўлайлик яратиш мақсадида юртимизда йўللар, кўприклар бунёд этиляпти. Айниқса, ички йўللар сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хўш, бугун олис қишлоқларда йўлсозлик борасида аҳвол қандай, ўзгаришлар қай даражада? Қишда лой, ёзда чанг, ўнқир-чўнқир, қаровсиз йўللар равон бўляптими?

Ўзимизни қизиқтирган ушбу саволларга Бухоро вилоятининг Вобкент тумани мисолида жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Вобкентда ишлар қизғин

— Туманимиз маҳаллалари, айниқса, олис қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, инфратузилмасини яхшилаш, у ерда яшовчи аҳолига қўлайлик яратиш ишлари авжида, — дейди Вобкент тумани ҳокими Фарҳод Умаров. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жорий йилда Вобкент туманида маҳалла ва қишлоқларнинг ички йўллари таъмири борасидаги лойиҳалар учун жами 59,8 миллиард сўм ажратилган. 2022 йил ва 2023 йилнинг июнь ойи якунига қадар



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

туманимизда мавжуд 747 километр ички йўлнинг қарийб 107 километри таъмирланди.

Туманимиздаги кўчалар ва қишлоқ йўллари таъмирлаш ишлари ёзнинг жазирама кунларида ҳам бир нафас бўлса-да, тўхтагани йўқ. Хусусан, Чўриқалон маҳалласидаги Вагонзаяк, Қумушкент маҳалласидаги Ҳалвогарон, Бақалон кўчалари, "Қўлхатиб" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Сарқор, Муқайим, Ёқсон, Гулрабод ҳамда Хайрухуш маҳалласининг Навбахор ҳудудларида иш қизғин. Ҳозир бу қишлоқлардаги жами 28 километрдан

ортиқ ички йўллари таъмирлаш ишлари кетяпти. Айни кунларда туман йўللاردан фойдаланиш унитар корхонаси, Бухоро йўллاردан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси, "Газли йўл қуриш-таъмирлаш" МЧЖ ишчи-хизматчиларининг қўли-қўлига тегаётгани йўқ. Аҳоли талаб ва истаклари асосида Қўлхатиб маҳалласидан Чангарон маҳалласига элтувчи ва Косари маҳалласи ҳудудидан ўтувчи умумфойдаланувчи йўлнинг 5,7 километри асфальтланди. Кўп йиллардан бунён яроқсиз ва таъмирталаб бўлиб ётган бу кўчалар ниҳоят қўрқам қиёфага

кирмоқда. Жараёнда ўндан ортиқ маҳсул техника ва транспорт воситаси кучидан фойдаланиляпти. Шунингдек, Шакаркент маҳалласидаги 7,5 километр йўлни асфальтлашга киришилган. Албатта, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш билан бирга, бу йўл аҳолига қўлайлик яратишнинг инобата олиб, кўчини тартибга солиш, йўл белгилари ўрнатиш, тунда ёритиш чораларини кўриш ишлари ҳам эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда туманимиздаги барча йўлларнинг равон, текис ва қўлайлигини таъминлашга ҳаракат қиляпти.

Бу ишлардан, айниқса, қишлоқлар аҳолиси жуда мамнун. Туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган яна 27 километр йўлни асфальтлашга жадал киришилган. Ҳозир ушбу манзилларда ўндан ортиқ ишчи-мутахассис, маҳсул техника ва механизм кучидан унумли фойдаланган ҳолда иш олиб бориляпти.

"Йўлларимизга таъмирланишига умид ҳам қилмай қўйгандим"

— Тўғрисини айтадиган бўлсам, қачондир қишлоғимизнинг уйдим-чўқур, қишда лой, ёзда чанг йўллари соз бўлишига умид ҳам қилмай қўйгандим. Нега десангиз, ҳаётимнинг 40 йилдан кўпроги

йўлларида ўтди, — дейди Қипчоқ қишлоғида яшовчи 70 ёшли отахон Файзулло Жўраев. — Қасбим ҳайдовчи. Қишлоқдан туманга қатнаб ишлардим. Йўл носозлиги туйфайли кўп вақт йўқотардик, манзилга ҳам, ишга ҳам кечикардик. Лой йўлларида соатлаб қолиб кетган вақтларим бўлган. Мана, деярли бир ҳафтада йўлларимиз текисланди. Иш эса куну тун тингани йўқ.

Бултургидан салмоқли

— Сўнги йилларда йўл инфратузилмасини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жамоамиз томонидан бугунги кунга қадар туманимиздаги 935 километрдан зиёд йўлга хизмат кўрсатилиб, унинг 17 километри республика, 918 километри маҳаллий аҳамиятдаги ички йўллардир, — дейди туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари Неймат Қурбонов. — Утган йили "Обод қишлоқ" давлат дастури асосида 5,5 миллиард сўм эвазига 9,4 километр йўл асфальтланди, 2,5 километр ички йўлга шағал ётқизилди. Туман маркази кўчаларини обод қилиш ва қўрқам қиёфага келтириш мақсадида 2022 йили пиёдалар ҳамда велосипед йўллари қуришга 3,8 миллиард сўм сарфланди. Бу йил йўл таъмири ишлари ҳажми бултургидан салмоқлироқ, Белгиланган вазифалар, дастурга қиритилган режаларни ўз вақтида ва пухта бажаришга бел боғлаган туман йўллардан фойдаланиш

унитар корхонаси ходимлари ҳам айтиш дамада халқ хизматида. Ҳозир йўлсозлар туманимизнинг Қумушкент маҳалласидаги 6,11 километр йўлнинг 1,5 километрида таъмирлаш ишларини бажармоқда.

Аҳоли узоғи яқин бўлади

Йўллар аҳоли турмуш фаровонлиги, юрт тараққиётини белгиловчи мезонлардан бири. Қарда йўл қуриш, таъмирлаш ишлари кенг қўлчоқ эвса, уша жойда замонавий инфратузилма объектлари қад ростлаб, аҳоли ҳаёт тарзи юксалиб бораверади.

Бугун 143 минг киши яшаётган Вобкент туманида аҳолининг кайфияти юқори. Туман маҳаллаларини, айниқса, чекка қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, инфратузилмасини яхшилаш, у ерда яшовчи аҳолига қўлайлик яратиш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар айтиш вақтда қизгин паллага кирган. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги "Автомобиль йўллари соҳасида очиклик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори йўлсозлик соҳасидаги муаммоларни самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳа, бугун одамлар ўтаётган кундан рози, тилларидан шўқроналик тўшмайди. Зеро, заман талабларига жавоб берувчи текис йўллар, аввало, аҳолининг узоғини яқин қилиш, вақти ва маблағини тежаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга, инсон қадрини юксалтиришга хизмат қиладди.

Гуличехра ДУРДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ

БОЛАЛАРНИ ЎҚИШГА ТИЗИМЛИ ТАЙЁРЛАЙДИ

НУКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

Норой СОАТОВА,
Мактабгача таълим агентлиги бош мутахассиси

Илмий кузатиш ва тадқиқотлар натижасида инсон ҳаёти давомида оладиган барча маълумотнинг етмиш фоизини беш ёшгача бўлган даврда олиб улгуриши аниқланган. Бу даврда бола дунёни англайди, она тилини ўзлаштиради, ота-онаси, оиласи, маҳалласи, Ватанига меҳри уйғонади. Умри давомида оладиган билимларига замин ҳозирлайди. Бунда, энг аввало, оила асосий роль ўйнаса, мактабгача таълим ташкилотининг ҳиссаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мамлакатимизда айнан мактабгача таълим узлуksиз таълим тизимининг ажралмас бўлагига, таъбир жоиз бўлса, пойдеворига айланган.



муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мамлакатимизда айнан мактабгача таълим узлуksиз таълим тизимининг ажралмас бўлагига, таъбир жоиз бўлса, пойдеворига айланган.

Тўпланган халқаро тажрибаларга кўра, сифатли мактабгача таълимга сармома киритиш болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, ижтимоий мослашуви, зарурий билим ва иктымий-ҳиссий кўникмаларини ривожлантириши таъминлайди.

Утган йили ноябрда Тошкентда ўтказилган ЮНЕСКОнинг кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича II бутунжаҳон конференциясида Тошкент декларацияси қабул қилинган. Унда кичик ёшдаги болаларни эрта ривожлантиришда ЮНЕСКОга аъзо мамлакатларнинг маслаҳатлашуви ҳамда ўзаро ҳамкорлиги давом этиши белгиланган. Шунингдек, "Таълим кутиб турмайди" шиори остида кичик болаларга таълим тарбия беришни қўллаб-қувватлаш учун келгусида халқаро кўмакни сафарбар қилиш ва кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Илгор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида 2019-2023 йилларга мўлжал-

"Илк ривожланиш марказлари" Самарқанд ва Наманган вилоятларида уч модель асосида фаолият кўрсатмоқда. Биринчи модель бўйича 3-6 ёшли болалари бўлган, мактабгача таълимга қамраб олинмаган, шунингдек, чекка қишлоқ жойларда яшовчи ва мактабгача таълим олиш имкониятига эга бўлмаган оилаларга борилади. У ерда болалар билан ишлаш оилаларда, ота-оналарнинг фаол иштирокида "Илк қадам" давлат ўқув дастурига мувофиқ ташкил этилади.

Иккинчи модель ўзини гуруҳлари асосида ишлайди. Бу гуруҳлар 3-7 ёшли болалар учун "Илк ривожланиш маркази"да очилади. Таълим-тарбия жараёни "Илк қадам" давлат ўқув дастурига мувофиқ амалга оширилади, ота-оналар ихтиёр равишида иштирок этса бўлади. Учинчи гуруҳлари мўйайн ёки турли ёшдаги болалардан ташкил топади. Ушбу гуруҳдаги болалар 15 нафардан 20 нафаргача бўлиши мумкин.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ланган таълим соҳасини ривожлантириш режасига мувофиқ, Жаҳон банки билан ҳамкорликда юртимизнинг олис туманлари ва чекка ҳудудларида мактабгача таълимнинг янги — муқобил шакллари амалиётга татбиқ этилди. Жумладан, Наманган вилояти Косонлиқ педагогика коллежи ва Самарқанд вилояти Тайлоқ педагогика коллежида "Болаларни эрта ёшдан ривожлантиришни тақомиллаштириш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг доирасида тажриба-синв тарихида хар бири 20 та ривожлантирувчи ўйин гуруҳини ўз ичига олган "Илк ривожланиш марказлари" фаолияти йўлга қўйилди.

Боланинг ёши ва индивидуал имконияти, қобилияти ва эҳтиёжга мос равишда кейинги жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланиши, ижтимоий мослашуви, алоҳида эҳтиёжли болаларга индивидуал таълим дастурлари, шунингдек, замонавий инклюзив мактабгача таълим-тарбия олиш имконини берувчи қулай муҳит яратиш кунининг муҳим вазифасидир. Лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам шу. Бу ўз ўрнида болаларга Ватанга муҳаббат, оиласига, халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига, атроф-муҳитга ҳурмат туйғусини шакллантириш, бошланғич таълимга тайёрглигини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнида болага ва ота-оналарга ҳар томонлама ёрдам бериш ҳамда мактабгача таълимга қамраб олинмаганлар учун тенг имконият яратишга ҳизмат қилади.


Лойиҳа доирасида Самарқанд ва Наманган вилоятларида имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни ўйда бериш моделини тажриба сифатида жорий қилиш мақсадида алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар учун педагоглар талнаб олиниб, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш бўйича семинар ўтказилди.

Учинчи модель бўйича соғлиги тўғайи имконияти чекланган 2-6 ёшли болалари бўлган оилаларга борилади. Алоҳида таълимга муҳтож болалар билан ишлашда ота-оналарга зарур психологик-педагогик ёрдам кўрсатилади. Уйга дефектолог, психолог, тарбиячилар боради. Ушбу лойиҳа доирасида бугун Самарқанд вилоятида 794 та, Наманган вилоятида 939 та оила қамраб олинган.

Утган даврда биринчи модель бўйича Самарқанд вилоятида 276 та, Наманган вилоятида 536 та оила қамраб олинган. Иккинчи модель бўйича Самарқанд вилоятида ташкил этилган 11 та ўйин гуруҳида 277 нафар ўғил-қиз жалб этилган. Наманган вилоятида эса 14 та ўйин гуруҳида айни пайтда 353 нафар бола таълим-тарбия олмақда.

Учинчи модель бўйича Самарқанд вилоятида 60 та оиланинг қарийб 800 нафар, Наманган вилоятида 53 та оиланинг 980 нафардан зиёд фарзанди қамраб олинди. Гуруҳларда таълим-тарбия жараёни "Илк қадам" давлат ўқув дастури асосида бир кунда 2 смена (навбат) билан 3-3,5 соат вақт ораллигида олиб борилади. Мазкур гуруҳларда фаолият кўрсатадиган педагог-тарбиячилар лойиҳа доирасида ташкил этиладиган тренингларида халқаро экспертлар ёрдамида малака оширади.

Мақтабгача таълим узлуksиз таълимнинг пойдеворидир. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга иштиёқ уйғотади, тизимли ўқитишга тайёрлайди. Шундай экан, бу тизимни янада кучайтириш, нафақат мактабгача таълим ташкилотлари, балки оилаларда ҳам ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиш, уларга мактабгача ёшдаги болаларни кенг жалб этиш фарзандларимизнинг барқамол ва етук шахс бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутаяди.



Ҳар ёзганим —

ВАТАН САРИ БИР ҚАДАМ

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

"Болалигимда дадам янги йил арафаси Германияга хизмат сафарига борар, ҳар гал бир чемодан шоколад олиб келарди. Ўшанда Германияниқидек шоколад бошқа жойда бўлмаса керак деб ўйлардим. Шу боис, бола кўнглимда бу давлат гоёт ширин шоколадлар ватани сифатида таассурот қолдирган. Кейинчалик унинг энг ривожланган давлатлардан бири эканини билгач, дадам билан янада гурурланганман. Тақдир тақозоси билан Германияда яшаётганимизга ҳам 8 йил бўлди".



Ҳар қандай инсон учун туғилган заминдан ийроқда яшаш, ёт элда Ватанинг бир парчасини яратиб олиш осон эмаслигини "Хориждаги ватандош"нинг бу галги қаҳрамони, айни пайтда Берлиндаги солиқ маслаҳатчиси ва аудитори идораси иқтисодчи-бухгалтери Ситора Усмонова чуқур ҳис қилади. Зеро, у европача ва ўзбекона дунёқараш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, дейдиганлар сирасидан. Ёш бўлса-да, ватандошларининг чет элда фарзанд тарбияси-дек машаққатини енгилаштиришга, ўзбек оилаларининг ўзига хослигини кўрсатишга интилиб яшаётган қўрайлик ўзбек қизи билан суҳбатимиз, асосан, миллийлик, қадриятлар доирасида кечди.

ни ҳам юзага келтиради. Айниқса, аудит идораларида бирор мижозда иқтисодий муаммо юзага келса, ўта жиддий ёндашдилар. Бундай кайфият атрофдаги ҳамкасбларга ҳам таъсир қилади.

Ҳисоботларни кечиктирмай топшириш эса қатъий талаб. Шу боис, баъзан тунгача ишлашга тўғри келади. ГФС (Иқтисод мактаби)даги доцентларимиздан бири бизга "Сиз иқтисод докторисиз, ташхис ҳам, таҳлил ҳам, ечим ҳам тўғри бўлиши шарт, бунинг учун янги билимлар зарур", дея кўп айтади. Шу маънода, Германияда иқтисод кишиси тинмай ўсишга тайёр бўлиши керак. Акс ҳолда, маоши ҳам ошмайди, позиция ҳам ўзгармайди.

"Биз ўзбекмиз, биз шундаймиз!"

Ситора Европада оила қуриш ўқиш, ишлаш, карьера, сарфхатдан кейинги ўринда туришини Германияга борган кезлариданоқ тушуниб етган. Тугилишининг кескин қайиш кетганини у бу ерда оила ҳақида жуда кеч ўйланаётганидан деб билади.

— Бизда эса аксинча. Оила муқаддас, фарзанд бебаҳо неъмат, инсон ҳаётининг мазмуни ҳисобланади, — дейди у.

Германияда ўзбек аёли сифатида яшаш ва кўни-кўшилар билан мулоқот қилиш унинг зиммасидаги катта бир масъулият эди. Қолаверса, отаси унга ҳаммиса "германияликларга Ўзбекистонни, ўзбекилигини, тарихимизни, миллий-урф одатларимизни кўрсатгин", деб ўқтиради. Шунга кўра, азалдан қадриятларимизга ҳурмати бепанд, ҳар қандай ишни турмуш ўртоғидан бемасалаҳ қилмайдиган ёш ўзбек аёли маҳаллий аҳоли билан қайси даврда бўлмасин, албатта, шарқоналикни сақлайди.

— Баъзан мени нотўғри ҳам тушунишган. Яъни ўзбек аёлларидаги ибодатли журъатсизлик, меҳмонларга мулозиматини эса ўзини қадрламаслик дея баҳолаган инсонлар ҳам учраган. Бундай вазиятларда турмуш ўртоғим мени доимо қўллаб-қувватлаб, уларга "биз ўзбекмиз, биз шундаймиз", деб тушунтирар эди. Бора-бора ишхонада, маҳаллада, дўстлар орасида ҳам меҳмондўст ўзбекистонликлар оиласи сифатида танилдик, — дейди Ситора.

Ўн йилдан кейин нима бўлади? Хато қилмаяпмизми?

— Оилада фарзандларимиз билан ўзбек тилида сузлашамиз, уларга ўзбекона тарбия беришга ҳаракат қиламиз. Тўғри, яқинлар кўмагисиз оила, иш, ўқиш ҳамда фарзанд тарбияси осон бўлмайди. Бу борада хануз қийналамиз. Айниқса, имтиҳон кезлари жуда оғир кечарди. Барча курсдошларим дарсдан кейин кутубхонага борса, мен фарзандимни боғчадан олишга шошардим. Дарсларимни тайёрлашга кечасигина имкон бўларди.

Лекин шунда касбий таълимни (Ausbildung) яхши баҳолашга тугатдим, иқтисодчи-бухгалтер бўлиб ишлапман. Ўзига яраша машаққати бор, албатта. Германияда иқтисодчиларга аниқ мақсадли, талабчан, ростгўй кишилар сифатида қарашади. Фақат сонлар, статистика ва қонунлар ҳақида ўйлаш инсон табиатида анчагина жиддийлик-

Боланинг бегонаси бўлмайди

— Болалигимдан китобга меҳрим бўлача. Ҳар сафар Ўзбекистонга борганимда дўконларни бирма-бир айланиб, ўзбек болалар адабиёти билан танишаман. Турфа китоблар олиб келаман. Фарзандимиз билан, асосан, ўзбек тилида мутолаа қилишга интиламиз. Узундан-узун матнларни тушуна олмай боланинг қиққати ошарди. Эртани охирига қадар эшитмас, чуқки матнлар боланинг ёшига нисбатан мураккаб бўларди.

Болалар адабиётимиз уларнинг ёшига кўра тоифаларга ажратилмагани, баъзи китобларнинг сифати ҳам талаб даражасида эмаслиги шундай пайт билиниб қолади. Германия боғчаларида эса болаларга ёши даражасидаги китоб ўқиб берилади, ота-оналар ҳам буни қўллаб-қувватлайди. Янги китоблар совға қилиб тураемиз. Ҳар бир бола ўз китобини ясаши ҳам мумкин. Болалар китобини севиниши ота-онадан ўрганса, уни ўқиб-тушуниши боғча ва мактабдан бошлайди. Уларнинг телевизор, телефон, умуман, электрон қурilmалардан фойдаланишига мактаб ёшига етгунча деярли руҳсат берилмайди.

Хоҳ метрода юринг, хоҳ автобусда, одамлар қўлида китоб кўрасиз. Ҳатто телефонда ҳам электрон китобларни ўқиб кетишди. Ўзим ҳам йўл-йўлақай аудиокинолар эшитиб кетишни одатга айлантирдим.

Иқтисодчи сифатида айта оламани, Германияда қўллаб наشريётлар катта даромад топиши сир эмас. Буни статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Чуқки китобга талаб катта. Шаҳарларнинг деярли ҳар бири даҳасида катта-кичик кутубхоналар ва болалар

Бир пиёла чай устида

Германия нашриётларидан нажот бўлмагач, Ситора китоб қиққирининг бошқа йўллари қидира бошлади. Чоп этилишини интиқиб кутгани — "Кўёшли тонг" номли биринчи китобчасини болажонларга ўз ҳисобидан бўлса-да, Европа стандартида тақдим этишга қарор қилди.

Китоб баҳона кўп йиллардан бери Германияда истиқомат қилиб келаётган, "Ҳумо Олмон" жамияти ҳамда "Бахтли оила" лойиҳасининг ташкилий ишлари вакилларидан бири, педагог-психолог Ҳабиба опа Ҳамдамова билан танишиб олди. Опа Мюнхен шаҳридаги ёш ўзбек оилаларига, ёш ижодкорларга мўлжалланган ва бола тарбияси бўйича қатор тадбирларни ташкиллаштиради. Қўллаб ўзбек оналарига фарзанд тарбиясида ёрдамчини аямая келаётган бу аёл "Кўёшли тонг"ни Германиядаги ўзбек оилаларига тарқатишга ҳам катта ҳисса қўшди.

Қаҳрамонимиз икки йил давомида ёзган китобидея серкўёш Ўзбекистонимизнинг бетакрор тонгидан бошланадиган урф-одатларимиз — саломлашиш одоби, катталарга ҳурмат, ўзаро меҳроқибат, оиладаги ҳамжиҳатлик, қўйингки, ўзбекона фазилатларни имкон қадар мужассам этди. Китобда чайнак ва пиёламиз ҳам алоҳида тасвирланди. Зеро, Ситоранинг назидида халқимизнинг бир пиёла чай устидаги қадриятларида хикмат кўп. Аникроғи, ўлмас қадриятларимизнинг бир ўчи бир пиёла чай устидаги дўстлик ришталарига бориб тақаладигандек. Шу маънода, ўзбек болалари чайнак ва пиёлага муҳаббатли бўлиши керак. Чунончи, Германияда меҳмондўстлик деган тушунача йўқ.

— Қўпчилик ўзбекларимиз бундан хафа бўлади, — дейди Ситора. — Бу ерда бир-биримиздан узоқлашиб кетяпмиз. Ҳамма ўзи билан ўзи, ватанимиздагидек оқибат йўқ, деб ўқинишади. Аспиде, меҳмондўстлик, қариндош-уруғларнинг борди-келдиси каби урф-одатлар қадриятимиз — ўзбеконалик. Шу сабаб уни сақлаб қолиш, тиклаш, ривожлантириш ҳар бир ўзбекистонликнинг ўзига боғлиқ.

Ватандошларимиз ютуқларидан куч оламиз

Ҳозир илк муаллифлик асарининг немисча талқини устида ишлаётган Ситора шу йилнинг май ойида "Кўёшли тонг"ни икки тилда "Амазон" орқали дунёвий нашрга қиққиритишга мушарраф бўлган. Китоб АКШ, Жанубий Корея, Италиядаги ўзбек болаларига ҳам улашилмоқда.

— Шу йил Ўзбекистондан келганимиздан сўнг Италиядаги Ўзбек маданий маркази раҳбари Комила Қирғизова менга "Кўёшли тонг"ни Италияда ҳам таржима қилиб нашр этишни таклиф қилди. Албатта, рози бўлдим. Агар кенгаш тасдиқласа, китобим Италияда ҳам чоп этилади, — дейди Ситора. — Болаларимизнинг ёшига, қобилиятига мос бўлган янги-янги, миллий ҳамда замонавий ўзбек болалар адабиётлари сонини кўпайтиришни режа қилганман. Зеро, хаёлан Ватандошман. Ҳар бир ёшдан оила она заминимизга бир кадам бўлса ҳам яқинлиқни ҳис қилмоқдаман. Бу эса менга завқ беради. Шундай пайт Ўзбекистонга борган, аэропортда кўз ёшларимни тиймай, яқинларим бағрига шовилган оналарим ёгда тушади. Бироқ у ерда ҳам экологик муаммолар пайдо бўлаётганидан хавотирланаман. Ҳавонинг ифлосланиб бораётгани, дархатлар қаммайиб кетаётгани, кўнгилочар, дам олиш масканларида йиғилиб қолган чиқиндилар кўнгили хира қилади. Ахир биз бундай халқ эмасдик-ку...

Яна бир гапни албатта айтишни истардимки, газетангизда хориждаги ватандошларимиз ҳақида бериб бориладиган мақолалар шахсан мен учун жуда манфаатли бўлмоқда. Чуқки улар орқали чет элдаги ўзбек ватандошларимиз ютуқларидан хабар топиб қуновимиз, руҳланамиз, куч оламиз. Зеро, ўзимиз ҳам уларнинг сафидамиз. Барчамиз бир мақсад — келажакимиз ворисларининг порлоқ эртаси учун олик юртларда яшаш, ишлаб юрибмиз. Ўзбек болалари ҳам сифатли, замонавий ўзбек адабиётларини ўқиниши чин дилдан истаймиз. Болалар адабиётини ривожлантириш борасида бир қанча лойиҳаларим бор. Ўз ватанимизда уларни қўллаб-қувватловчилар бўлса, ўзбек болаларига замонавий, сифатли ва жаҳон стандартидаги адабиётларни тақдим этишга тайёрман.

Муножа МҰМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

китоб дўконларининг янгисидан тортиб, "second hand" ("иккинчи қўл")га чуратиш мумкин. Ўзбекистонда эса полиграфия хали бизнес даражасида яхши ривожлангани йўқ. Агар мендан бу борадаги таклифимни сўрасан, болалар адабиёти ривожини учун, аввало, ҚҚСдан воз кечиш керакликан, дердим. Кейин эса ўзбек тилидаги замонавий ва сифатли болалар адабиётларини кўпайтириш зарурлигини айтаман. Чет элдаги ўзбекистонлик болалар учун содда матнли, аммо замонавий графика тасвирга эга, сифатли китоблар кам ёки йўқлиги ҳам оғриқли масала.

Германияда яшаётган ўзбек болалари учун содда матнли китоб ёзишга киришар эканман, аввалига китоб гоёсини бир қанча немис ҳамда инглиз нашриётларига кўрсатдим. Улардан "бизда ўзбек тилига талаб йўқ, ўзбекча тахрир қиладиган муҳаррир ҳам йўқ" ёки "бизнинг контентимизда одоб-ахлоқ, саломлашиш каби мавзулар ёритилмайди" қабилида жавоб олсам-да, мақсадимдан қайтмадим. Халқимиз боланинг бегонаси бўлмайди, дейди-ку... Ўзбек тилидаги сифатли китобни болаларимизга тақдим қилишни ўйласам, ич-ичимдан хурсанд бўлиб кетардим. Назаримда, шундай қилсам, ватанимга бир қадам бўлса ҳам яқинлашадигандек эдим.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ТАХЛИЛ

КОНСТИТУЦИЯ, МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА МАЪНАВИЯТ:

ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯЛАР ЗАРУРАТИ



Султонмурод ОЛИМ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Сўнгги йилларда жамиятимизда вазият ўзгариб, янгиланиб кетди. Албатта, миллий мафкура ва маънавият борасида ноанъанавий ёндашувлар керак. Бироқ мафкуравий ва маънавий-маърифий соҳада усул бирламчи эмас. Тарғиботда одамга фикрий таъсир ўтказишнинг ҳар қандай, яъни чексиз усул ва услублардан фойдаланавериш, миллий мафкура ва маънавият тарғиботида анъанавий усулларни ҳам, замонавий усулларни ҳам бирдай қўллаш керак.

Бошланиши 1-бетда

Жамиятни уч муҳим тизим — қонун, мафкура ва маънавият бошқаради. Қонунларни давлат қабул қилади. Миллий мафкура халқники ҳисобланади. Маънавият эса кўп асрлик миллий ва умуминсоний қадриятларга суянади. Бироқ бу уч тизим бир-бирини инкор этмаслиги, бир-бирига зид гоё ёки қатъиятларни ўртага қўймаслиги, бир-бирининг фаолиятига халақит бермаслиги, аксинча, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, тўлдирishi шарт. Содада айтганда, миллий мафкура гоёларига садоқатли ва маънавияти юксак шахсдан, сўзсиз-шубҳасиз, давлат қонунларига қатъий амал қилиб яшаш ҳам талаб этилади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тамоман янги миллий мафкура ва маънавият тизими шакллантирилди. Модомки, халқнинг орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, қизиқишларини ифодалаб, уларни ҳимоя қилишга қаратилган гоёлар тизими (йигиндиси, мажмуаси) "миллий гоё", буни ҳаётга бевосита татбиқ этиш эса "миллий мафкура" бўлса, бу бизда бор, шаклланган, ишляпти ва такомиллашиб борапти ҳам.

1994 йилнинг 23 апрелида Республика Маънавият ва маърифат маркази ташкил этилди. 1999 йили Республика Маънавият ва маърифат кенгаши тузилди. Унга ҳозирги пайтда мамлакат Президенти раислик қилади. Минтақа ва ҳудуднинг биринчи раҳбари — ўша минтақавий ва ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгаши раиси. Мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим, олий таълим тизимида миллий мафкура ва маънавият асослари, у билан боғлиқ таълим-тарбия тизими мавжуд. Оммавий ахборот воситалари, маданият ташкилотлари, адабиёт ва санъат моҳият эътибори билан бевосита миллий мафкура ва маънавият тарғибига хизмат қилади.

Аммо ҳаёт ҳар кун, ҳар соатда жамият олдида янги-янги, хилма-хил,

баъзан ҳатто қутилмаган масала қўяди ва у оқилона ечим кутади. Оқилона ечим эса халқнинг орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, қизиқишларидан келиб чиқishi, энг муҳими, унга асло зид келмаслиги керак. Демак, миллий мафкура ҳам, бунга боғлиқ ҳолда маънавият ҳам тинимсиз равишда замонга мос ҳулоса ва позицияни талаб этади. Миллий мафкура ва маънавият соҳасининг мураккаблиги ҳам ана шунда.

Фикр ва гоё майдони ҳамisha иккига бўлинади. Жамиятда эзгу гоёлар ёнида бузғунчи гоёлар ҳам юрваради. Халқ мақолида доноларча айтилганидек, эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Элак-ку тутиб бўлмас, бироқ бу икки бир-бирига зид гоёлар тинимсиз тўқнаш келаврадиган жамиятда фуқаро унисига ишонсинми ё бунисигами? Бу ёғи оғир масала, ҳатто ўта мураккаб жараён. Чунки ҳар кимнинг ихтиёри ўзида-да. Шундай экан, ҳаммининг ҳам айнан эзгу гоёлар тарафдори бўлишига ким кафолат беради? Энг ёмони, тарқатилаётган ҳар қандай фикр, хабар, гоё ёки мафкура орқасида турган манфаатдор кучлар бор.

Кейинги йилларда ижтимоий тармоқлар қутилмаган даражада кучайиб кетди. Бугун интернетга ўрганган одамни бир кун ундан узиб қўйинг, қани, нима бўлади? Оламни бошига кўтаради. Яшириб нима қилдик, ҳозирги замонда одам бола-сининг, катта зарурат бўлмаса, бир кун ҳам овқат емай, суюқлик ичмай яшашини тасаввур қилиб бўлмагани сингари, қўлида замонавий телефони ё компьютери бор кишиларнинг

шакллантиришда кўп нарсани бой бериб қўймадикми? Бугун баъзиларга қўйиб берсангиз, ҳатто "миллий мафкура", "маънавият" каби тушунчаларни "эскирган", боринги, "аҳамиятсиз" деб билади. Бу тушунчалар бир қадар киноя, сарказм мавзусига айланганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Хўш, нима қилмоқ керак? Бу саволга чиройли сўзлар билан, икки оғизгина қилиб ёки дабдурустдан жавоб қайтаришнинг ҳеч иложи йўқ.



ижтимоий тармоқларсиз бир кунини ўтказишни ҳам ақлга сифдириб бўлмай қолди.

Мафкура ва маънавиятнинг биз кўрида сананган тизимларида-ку муайян даражада "элак" мавжуд. Эҳтимол, уларнинг эзгу гоёлар тарғиботи билан шуғулланишни таъминлаш, фаолиятни устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш, қайсидир маънода ишини тарғиботга солишга эришиш мумкиндир. Лекин ижтимоий тармоқлар орқали тинимсиз, ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа, ҳар сонияда Ўзбекистон халқининг онг-тафаккури ва қалбини эгаллашга қаратилган бузғунчи гоёларга қарши қандай кураш олиб борамиз?

Бугун бу миллий мафкура ва маънавият ишини мустақилликнинг дастлабки чорак асридагидан кўра тамоман бошқа даража ва технологиялар асосида олиб боришни тақозо этапти. Шундай экан, кимларгадир эски бўлиб туоладиган доно гапни қайта-қайта такрорлашдан асло чарчамаймиз: фикрга қарши — фикр, гоёга қарши — гоё, жаҳолатга қарши — маърифат билан жавоб қайтаришга мажбуримиз. Ҳаётнинг ўзи шуни талаб қилади. Зарурат шуни тақозо этади.

Кўнгида бир таҳлика мавжуд: кейинги йилларда ҳозирги 30 ёшгача бўлган аҳолимизнинг онг-тафаккурини

Шунинг учун аввал бугун бизга айнан нималар кўпроқ таҳдид солаётганини бир қарра назардан ўтказишга тўри келади.

Мустақиллигимизнинг 32 йиллигини нишонлаётган пайтимизда ҳам эски даврни кўмсаш хавфи мавжуд. Ҳолбуки, лекин жиҳатдан шўро даврини оқлашга асло ҳаққимиз йўқ. Биринчидан, биз мустамлака эдик. Утмишда бўлсин, ҳозир бўлсин, келажакда бўлсин, мустамлакачиликни асло-асло оқлаб ҳам, кўмсаб ҳам, тарғиб қилиб ҳам бўлмайди. Бу — занжирбанд шеринг озод этилганидан кейин яна ўша темир боғичини соғинишдй гап. Иккинчидан, коммунистик мафкура, таъбир жоиз бўлса, 74 йил инсоният жамияти устида сиёсий эксперимент ўтказди. Бойлар мулкни қурол билан тортиб олиб, ишчи ва деҳқонга бериш гоёси билан давлат мулкига айланганди. Инсоннинг ички табиатига зид, сунъий "социализм" деган бир ижтимоий тузум қурди. Одамларни келажакда қурилажак "коммунизм" деган утопик бир жамият ваъдаси билан алдади. Ҳолбуки, халққаро меъёрлар сиёсий эксперимент у ёқда турсин, ҳатто айрим давлолаш усуллари бўйича одамлар устида эксперимент ўтказишни ҳам тақиқлайди. Бу сиёсий эксперимент ўзини мутлақо оқламади: социализмни илк бор жорий этган



давлатнинг ўзи ундан биринчилардан бўлиб воз кечди.

Сўнгги йилларда жамиятимизда вазият ўзгариб, янгиланиб кетди. Албатта, миллий мафкура ва маънавият борасида ноанъанавий ёндашувлар керак. Бироқ мафкуравий ва маънавий-маърифий соҳада усул бирламчи эмас. Тарғиботда одамга фикрий таъсир ўтказишнинг ҳар қандай, яъни чексиз усул ва услубларидан фойдаланавериш, миллий мафкура ва маънавият тарғиботида анъанавий усулларни ҳам, замонавий усулларни ҳам бирдай қўллаш керак.

Баъзан ижтимоий-маънавий муҳитни аҳоли ўртасида ўтказилган сўровномалар асосида аниқламоқчи бўламиз. Албатта, ҳеч ким бунга қарши эмас. Аммо, ишонингки, бундай сўровномалар йўли асл манзарани тўлиқ тасаввур қилиш имконини бермайди. Биринчидан, сўровномада муайян саволларига берилади, ҳолос. Иккинчидан, бунда барибир аҳолининг жуда-жуда оз қатламгина қамраб олинади. Учунчидан, бизда ҳозирча бундай пайтларда одамларимиз юрагидангина чинакам, асл муносабатини ифодалашдан кўра, кўпроқ бошқалар нима дейётганига қараб иш қўришга мойилроқ.

Агар икки киши сўзлашаётган ҳар қандай макон мафкура полигони бўлса, миллий мафкура ва маънавият ҳолатини аниқлаштиришнинг жуда кўп тармоқларга эга комплекс тизими ишлаши зарур. Миллий мафкура ва маънавият масаласини, ҳаётдан, бориники, сиёсат ва иқтисодиётдан айри, фақат ахлоқ-одоб, маърифат, маданият, адабиёт, санъатдангина иборат, деб тушунадиганлар жиддий хато қилади.

Ҳақиқат фикрий курашда ойдинлашади. Шундай экан, бугун жамиятга таҳдид солаётган ёт гоёлар айнан нималардан иборат? Кимлар бу гоёлар орқасида турибди? Аҳолининг айнан қайси тоифаси ёт гоёлар таъсирига осон тушиб қоляпти? Қандай сабаб ва омилларга кўра бу тоифа одамлар фикран оғаяти? Бу ҳолатларнинг жиддий ижтимоий-иқтисодий сабаблари нималардан иборат?

Бугун ахборот майдонида Ўзбекистонимизда ошқора ё пинҳона тарзда давлат ва халқ ўртасини бузишга қаратилган қаттиқ кураш кетаяпти. Бундан кўз юмшининг асло имкони йўқ. Шу мақсадда душманларимиз ижтимоий тармоқлардан жуда унумли фойдаланмоқда. Халқ онига шундай тасаввур ўйғотиляптики, гўё давлат идораларида ишлаётганларнинг кўпчилиги ўғри, қаззоб, порахўр эмish. Астафтироқ!.. Гўёки давлат идоралари ходимларининг фаолияти фақат мамлакат бойлиқларини ўзлаштириш, халқни талашдангина иборат бўлиб қолган. Ҳолбуки, мустақиллик байрамида нимани нишонлашни ўзи? Айнан давлатга эга бўлганимизни? Ахир давлат халқнинг энг катта бойлиги эмасми?

Бир нарсанга аниқлик киритиб опайлик давлатни қоралаш — бошқа, давлат идоралари ходимлари фаолиятдан норозилик — тамоман бошқа нарсаси. Ёт гоёлар тарғиботчилари аҳолининг катта қисми ана шу икки нозик тушунчани фарқлаб ополмаслигидан фойдаланиб, давлат идоралари ходимлари фаолиятини танқид қилиш орқали зимдан давлатнинг ўзига зарба бериб, фуқароларни ўз миллий давлатига қарши қайрашни кўзда тутаяпти. Ноқонуний фаолияти билан халқнинг ўз миллий давлатига ишончини йўқотишига сабаб бўлаётган ходимлар йўқ эмас, албатта. Аммо давлат уларнинг касрига қолмаслиги керак.

Баъзи профессионал журналистлар ҳам "Оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси — халқнинг дардини давлатга айтиш", деганига кўп гувоҳ бўламиз. Нима, оммавий ахборот воситалари давлат сиёсатини халққа етказиш билан шуғулланмаслиги керакими? Аммо айрим оммавий ахборот воситаларининг фақат давлат сиёсатини тарғиб қилиш билангина шуғулланиб қолаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Ёки "халқ дардини давлатга етказаман", деган ақида билан билиб-билмай давлат сиёсатига бефарқ ёки қарши тарғиботга ўтиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар қандай танқид прагматик бўлиши керак. Давлат сиёсатининг айрим жиҳатлари ҳақида асосли тарзда мулоҳаза билдириш маданияти шаклланиши зарур.

Ижтимоий тармоқларда давлат, Конституция, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга очикдан-очик провакацион муносабатлар



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКҮР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

бўляпти-ю, ҳеч ким бунга расмий, асосли, мантқиқли, профессионал даражада жавоб қайтармаяпти. Бир хато факт, қараш, гоё инкор этилмас экан, халқ уни шундайча қабул қилмайди, деб ким кафолат беради?

Мафкура борасида эса мавзу ёки масаланинг катта-кичиги бўлмайди.

Аччиқ ҳақиқат шуки, табиғатга кўра, кенг омма фикран оғишга мойилроқ бўлади. Душман шундан фойдаланади. Демак, гоёвий-мафкуравий, маънавий-маърифий жиҳатдан халқни тўғри йўлга етаклаш шу соҳаларга масъул зиёлиларнинг бирламчи вазифасидир. Ҳозирги мураккаб мафкуравий ва маънавий вазият илгор зиёлиларимизнинг ниҳоятда фаоллашишини тақозо этади. Зиёлиларни фаоллаштиришнинг тарихда минг қарра синалган биттагина асосий йўли бор. Бу — улар фаолиятини моддий манфаатдорлик асосига қуриш. Масалан, агар оммавий ахборот воситалари янги қалам ҳақи тўласа, ишонаверинг, ижод ахли, сўзсиз, фаоллашади. Битта локомотив қўллаб вагонларни торгани сингари мунаварларимиз ҳам мамлакат ахлини тўғри йўлга бошлаши керак.

Шу йилнинг 30 апрелида мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий ҳодиса эс берди: референдумда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди. У 1 майдан кучга кирди. Энди Бош қонунимизни омма орасида кенг тарғиб этишимиз керак. Бироқ Конституция тарғиботини нопрфессионал даражаларга тушириб қўйишнинг фойдасидан кўра зиёни кўп. Бу одамларни бездиради. Истайсизми-йўқми, ишга ёлғон аралашади. Ҳаққонийлик ва самимийлик ўрнини юзакилик, ясамачилик, ялтир-юлтирчилик, "ура-ура"чилик ва сохтакорлик эгаллайди.

Амалда Конституция ва қонунларни билмаган фуқаролар фақат ва фақат раҳбарлари топширигини бажаради, ҳолос. Бу топшириқларнинг қонуний ёки қонунга зид экани билан мутлақо қизиқмайди. Чунки билмайди-да. Аҳолининг онгсизлиги ҳамма замон ва маконларда ҳам бир ҳовуқ одамларга жуда-жуда кўп келади, бу тоталитаризм, монополизм, авторитаризм, диктатура, бюрократия ва башарияти орқага тордагидан яна қанчадан-қанча иллатларнинг сойига суя қувяди.

Фуқаронинг Конституцияни билмаслиги охири-оқибат унинг зиёнига ишляпти. Чунки у айнан билмагани учун ўзига билганини ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланмайди. Тараққий қонунларда белгиланган асосда ўз бериши керак. Бўлмаса, бошбошдоқлик авж олиши, яъни давлат ҳам чегарадан чиқishi, халқ ҳам давлатга бўйсунмай қўйishi мумкин.

Конституцияни янгилашдан қўзланган бош мақсад — тараққий ва яна тараққий. Нима қилсак қилайликми, мамлакатимиз имкон қадар тезроқ илгорлар сафидан ўрин олсин.

Тараққий этмасак, бўлмайди. Ахир иқтисодий кўрсаткичлар бўйича айрим ёки қўшниларимиздан ҳам йиллар орқанда қолдик-да. Бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор, албатта. Марказий Осиё умумҳолисининг тенг ярми Ўзбекистонимизда истиқомат қилади. Лекин бизда ҳудуд озроқ, аҳоли кўп. Буанинг юкүмиз жуда оғир. Узимизнинг муаммоларимиз ҳам ошиб-тошиб ётибди.

Бироқ мамлакат жadal ривожланиш босқичига кирганини кўзимиз билан кўриб, қўлимиз билан ушлаб, сезиб туриб-миз. Кейинги йилларда пойтахтимизнинг Сергели ва Янгиҳаёт туманлари ҳудудда 1 миллион аҳоли учун янги уй-жойлар бунёд этилди. Бу — катта бир шаҳар, деган гап. Ана шу кўп қаватли янги иморатлар орасидан ер усти метроси ўтказилди. Унда юрсангиз, ўзингизни бошқа бир шаҳардадек ҳис қиласиз. Бизда қандай маданият, қанақа юксак тамаддун раванг топан, аждодларимиз башарият умумтараққийига қандай улкан ҳисса қўшган?! Уша халқнинг авлоди сифатида ривожланишга ҳар биримиз қўлимиздан келгани қадар ҳисса қўйишимиз зарур. Шунинг учун янгиланган Конституция давлатнинг гарданига ҳам, халқнинг бўйнига ҳам янги-янги вазифалар юкляйди. Энди шуни оғишмай амалга ошириш шарт бўлади.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746. 43927 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Гуличебра Дурдиева Мусахҳис: Рашид Ҳўжамов Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй